

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 13 ноябрь • № 46 (665)

## Тадбир

### ФАОЛИЯТЛАРГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ



Жорий йилнинг 7 ноябрь кўни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида тиббиёт ходимлари кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Икромов кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда ислохот жараёнлари асосида аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматнинг самарали равишда амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов соҳада эришилаётган ютуқлар ҳамда тиббиёт ходимларининг масъулиятли меҳнатлари ҳусусида тўхталиб, Президентимизнинг 2006 йил 12 сентябрдаги «Тиббиёт ходимлари кўнини

белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида нишонланиши улар меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ифодаси эканлигини эътироф этди. Ҳар

бир соҳанинг ўзига хос тарихи бўлганидек, тиббиёт ходимларининг ҳар йилги касб байрамида анъанага айланган турли хилдаги номинациялар эълон қилиниб, ғойиблар аниқланиб, тақдирланади. Бундан бир неча йиллар олдин «Йилнинг энг яхши шифокори», «Йилнинг энг яхши ҳамшираси», «Йилнинг энг яхши даволаш-профилактика муассасаси» номинациялари бўйича совриндорларга мукофотлар тақдим қилиб келинаётган эди.

(Давоми 2-бетда).

## Дил изҳори

### ЭЗГУ НИЯТЛАРИМ СИЗГА

Дунёда турли касб эгалари борки, улар доимо эл назарида бўладилар. Халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари ана шундай эътирофга муносиб касб эгалари десам, янгилимаган бўламан. Улар ҳатто тунларни тонгларга улаб, бемор қалбларга нажот бахш этадилар. Республика аҳолисига ўзларининг тиббий хизматларини кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг фидойи мутахассисларидан кўп сонли беморлар мамнун.

Шу йилнинг 21 июлидан 4 августигача мазкур илмий-текшириш институтининг клиникасида даволаниб чиқдим. У ердаги ҳар бир тиббиёт ходимининг ҳушмуомалалиги, қасбига бўлган садоқати ҳамда меҳрибонлиги беморлар тезда тузалиб кетишига катта ёрдам бермоқда. Уларнинг

кўрсатган тиббий ёрдамлари туфайли соғайиб, оилам бағрига қайтдим.

Институт директори, профессор Ҳамид Каримов, бош шифокор А. Ногаета, беморларни қабул қилувчи шифокор Г. Ибрагимов, кундузги даволашни бўлими бошлиғи Б. Назаров, маслаҳат-диагностика бўлими мудир С. Топшўлатов, рентген шифокори А. Тожиев, дорихона мудир Е. Гончарова, Х. Исмоилов ва ҳамширалар М. Зокирова, Р. Қорабоева, З. Шокировларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Шунингдек, Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига ва даволовчи шифокорим Малика Мирзояевага ҳам дил изҳоримни йўллаيمان. Ана шундай қалби пок шифокорларимиз бахтимизга доимо омон бўлишсин.

Барчиной ИНОМЖОНОВА,  
Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани.

## Хабар

### ЯНГИ ҚВП ИШГА ТУШДИ

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республика тиббиёт тизимида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда 3164 та кишлоқ врачлик пунктининг ўрни катта бўлмоқда. Кўни кеча Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида яна бир давр талабига мос равишдаги «Дўстлик» кишлоқ врачлик пункти иш бошлади.

Мазкур кишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бугунги кунда кишлоқ врачлик пункти ҳудудида истиқомат қилаётган 4212 нафар аҳолига 3 нафар умумий амалиёт шифокори, 12 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кишлоқ врачлик пунктларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари «Саломатлик-2» лойиҳасининг 10 ойлик ўқув курсида тахсил олган бўлсалар, «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси бўйича эса ҳамширалар узлуксиз таълим жараёнлари бўйича малака ошириб қайтмоқдалар. Бу

албатта ҳар бир мутахассиснинг назарий ва амалий томондан билимларини мустаҳкамлаш ҳолда, улар аҳоли билан мукамал ишлашларида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, патронаж ишларининг изчиллиги билан олиб борилаётганлиги аҳоли орасида турли хил касалликларнинг камайиши ҳамда унинг олдини олишда асосий омил бўлмоқда. Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатлик ишларининг патронаж ҳамширалар томонидан тарғиб этилиши аҳолининг тиббий савиясини ошириб, самарали натижаларга эришилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Улуғбек Дадабоев.

Ибодат СОАТОВА.

## Анжуман

### ФАН УФҚЛАРИ САРИ

Жорий йилнинг 10-11 ноябрь кўнлари Тошкент фармацевтика институтининг «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари» мавзусида навбатдаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент фармацевтика институти ректори А. Юнусхўжаев кириш сўзи билан очиб, ушбу конференцияни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳамда 2007 йил 19 ноябрдаги ПҚ-371-сонли «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги Қарорларини фаолиятга татбиқ этиш, фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштиришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, охириги йилларда олий ўқув юртида мустақилликкача бўлган даврда институтда фақат 1 фармация йўналишини бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, бугунги кунда 6 та бакалаврият ва 6 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган вазифалар ўқув жараёнига жорий этилмоқ-

да, яъни дастурнинг 3 сифат босқичига биноан қатор янги дарслиқлар яратилди. Қолаверса, институт олимлари томонидан республика доривор ўсимликлар флорасини кенг миқёсда ўрганишда, янги дори турлари технологиялари яратишда, дори воситаларини стандартлаш ва маҳаллий органик минерал хом ашёлар асосида дори воситалари ишлаб чиқишда маълум натижалар қўлга кiritилган.

Тадбир давомида Ўзбекистон, Россия, Украина ва Қозғоғистон Республикаларидан келган фармациянинг йирик олимлари ўз илмий маърузалари билан иштирок этидилар. Бундан ташқари пленар, талабалар учун махсус маърузалар, давра суҳбатлари ҳамда баҳс-мунозарага бой семинарлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган мазкур конференция фармацевтика соҳасининг янада ривожланиши ҳамда фан уфқлари сари раванқ топишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Машраб ХОЛБОВЕВ.

## Тадбир

## ФАОЛИЯТЛАРГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 октябрида "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили" кўрак нишонини тасвир этиш тўғрисида"ги 2009-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур қарорга асосан ҳар йили тиббиёт ходимлари қўлида тизимга ўзининг самарали меҳнати билан ҳисса қўшиб келаётган, етарлича иш тажрибаси ҳамда касб малакасига эга бўлган, шунингдек, фаолияти давомида юқори натижаларга эришган мутахассислар мазкур кўрак нишон билан тақдирланиб келмоқдалар. Бу йилги тиббиёт ходимлари қўли ҳам ўзига хос кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Республика тиббиёт муассасаларида фидойиларча меҳнат қилган бир гуруҳ мутахассислар "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили" кўрак нишон билан тақдирланган бўлсалар, ислохотлар жараёни асосида фаолият юритаётган бирламчи бўлин тизимидаги тиббиёт ходимлари меҳнати эса қадрланиб, "Энг намунали оилавий поликлиника", "Энг намунали кишлоқ врачлик пункти" ҳамда "Энг яхши умумий амалиёт шифокори", "Энг яхши патронаж ҳамшираси" каби номинациялар бўйича йил давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи ва эксперт гуруҳи томонидан ғолиблар аниқланди ва касбий байрамларида диплом ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланишди.

**"Энг намунали кишлоқ врачлик пункти" бўйича кўрик-танлов ғолиблари қўлидагилар деб топилди:**

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туман «Ибн Сино», Хоразм вилояти Қўшқўпир туман «Бурлоқ», Самарқанд вилояти Жомбой туман «Тут», Жиззах вилояти Пахтакор туман «А. Икромов», Тошкент вилояти Зангиота туман «Назарбек», Фарғона вилояти Тошлоқ туман «Бирлик», Бухоро вилояти Ромитон туман «Тарнауд», Қашқадарё вилояти Чироқчи туман «Ўзбекистон», Сурхондарё вилояти Термиз туман «Дўстлик», Сирдарё вилояти Ховос туман «З. Бобур», Навоий вилояти Конимех туман «Шўркўл», Андижон вилояти Бадиқчи туман «Алам», Наманган вилояти Норин туман «Чўжа» кишлоқ врачлик пункти.

**"Энг намунали оилавий поликлиника" бўйича кўрик-танлов ғолиблари қўлидагилар деб топилди:**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 1-сон, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар 6-сон, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман 9-сон оилавий поликлиникалари.



– Мазкур кўрик-танловда биринчи ўринни олишимиз ва "Дамас" автоматизини билан тақдирланишимиз – бу бизнинг меҳнатимизга берилган катта эътибор ва эътироф деб биламан. Давлатимиз томонидан яратила-

ётган барча шароит ва имкониятлар тўғрисида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш мақсадида ислохотлар жараёнини изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Айниқса, аҳоли орасида оналик ва бола-



лиқни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни ўстириш ва репродуктив саломатлик ишларини жадаллаштиришда шифокор ва ҳамшираларимиз фаол иштирок этиб келмоқдалар. Шунингдек, патронаж ҳамширалар ўзларига бириктирилган оилаларда бўлишиб, тарғибот ишларини кучайтирган ҳолда касалликларнинг олдини олиш бўйича турли мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар, – дейди Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги "Ибн Сино" кишлоқ врачлик пункти мудири Дилором Айтбоева.

– Бугунги тадбирда биринчи ўринни олганимиздан бениҳоя мамнунман. Бу албатта, жамоамизнинг машаққатли меҳнатлари махсули деб биламан. Оилавий поликлиникамиз давр талаблари даражасида таъмирланган бўлиб, "Саломатлик-2"

лойиҳасининг замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ҳар бир шифокор ва ҳамшираларимиз "Саломатлик-2" ва "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" қўшма лойиҳалари асосида малакаларини ошириб қайтишган. Тиббиётдаги ислохот жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида ходимларимиз аҳоли орасида кўпроқ бўлиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шу боис, касалликлар олди олинб, аҳолининг тиббий маданияти ошиб, ўз соғлиқларига эътибор ҳамда тиббиётга бўлган ишончлари ортиб бормоқда, – дейди Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника бош врач Саидахмад Ҳамроқулов.

## Кўрик-танлов

## МАҲОРАТНИНГ АМАЛИЁТДАГИ СИНОВИ



**Жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети ўргатувчи ва назорат қилувчи кишлоқ врачлик пункти модулида республиканинг "Энг яхши умумий амалиёт шифокори" ҳамда "Энг яхши патронаж ҳамшираси" номзодлари танлови бўлиб ўтди.**

Танловни Ўзбекистон Республикаси вазирининг ўринбосари А. Комилов бирламчи бўлин тизимида олиб борилаётган фаолиятлар жараёнида аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат даражаси яхшиланиб бораётганлигини айтиб, унда умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамшираларининг ўрни нечоғлик муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини эътироф этди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси Р. Салиходжаева ҳам ислохот жараёналарининг изчиллик билан давом этишида, айниқса, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, халқнинг тиббий савияси ошишида ҳар бир тиббиёт ходимининг олдидаги масъулият катта эканлигини таъкидлади.

Илк бор ўтказилган мазкур Республика кўрик-танловида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят

ҳамда Тошкент шаҳрининг оилавий поликлиника ва кишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалар амалиётда ўзларининг назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказдилар. Тадбир давомида умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамшираларнинг амалиётда олиб борган фаолиятларини ҳайъат аъзолари улардаги касбий маҳорат ҳамда бемор билан олиб борган мулоқот жараёналари ва касалликка қўйган ташхислари давомида синчковлик билан кузатиб бордилар.

Натижаларга қараганда, "Энг яхши умумий амалиёт шифокори" номзоди бўйича биринчи ўрин Бухоро вилоят Когон туман «Геофизика» кишлоқ врачлик пункти мудири Д. Файзиева, иккинчи ўрин Сурхон-



дарё вилоят Шеробод туман «Бойбулоқ» кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врач А. Аҳмедов, учинчи ўрин Андижон вилоят Булоқбоши туман «Қақир» кишлоқ врачлик пункти шифокори М. Қоричаева ва Наманган вилоят Учқўрғон туман «Пахтачи» кишлоқ врачлик пункти мудири О. Турдиматовга берилди.

"Энг яхши патронаж ҳамшира" номзоди бўйича биринчи ўрин Тошкент вилоят Охангарон туман кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси З. Пирджикова, иккинчи ўрин Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз



туман «Кеш» кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Х. Боқиева, учинчи ўрин Навоий вилоят Қизилтепа туман «Тошрабат» кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Н. Халимоваларга насиб этди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида кенг нишонланган тиббиёт ходимларининг касб байрамида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир А. Икромов ғолибларга вазирликнинг махсус дипломи ҳамда «Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишонини топширди.

Республика кўрик-танлови бўлиб ўтган кунда қатнашчиларга Ўзбекистон ҳамширалар ассоциациясининг сертификат ва қимматбаҳо совғалари ҳам тақдим этилди.

**Зеро, тиббиёт ходимларининг касбий байрамлари арафасида ўтказилган бундай тадбирлар Ўртбошимизнинг соҳа ходимлари меҳнатига бўлган катта эътибор ва эътирофларидир. Шу боис, халқимизнинг саломатлиги сиз азиз шифокору ҳамширалар қўлида экан, олдингиздаги масъулият ва бурчни виждонан бажарган ҳолда астойдил меҳнат қилишингизга ишонч билдириб қоламиз.**

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Собир МАЖИДОВ.



## Эътироф ва эътибор

## МЕХНАТЛАР САРҲИСОБИ

**Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустахкамлаш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом камолга етказишга эришиш тиббиёт ислохотларининг асосий мақсади ҳисобланади. Хусусан, бу жараёнда меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг касбий малакасини ошириш, фаолиятларини муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш, зарурий шарт-шароит ва имконият эшикларини очиб давлат эътиборидаги муҳим масалалардан биридир. Шу боис, ҳар йили тиббиёт ходимлари кўни касб байрами сифатида юртимизда кенг нишонланади.**

Жорий йилнинг 10 ноябрь кўни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, шаҳар соғлиқни сақлаш касба-қасби уюшмаси ҳамда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида юртимизда тиббий-ижтимоий ҳаёдада олиб борилаётган ислохотлар самаралари ва галдаги вазифаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Йиғилишнинг Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б. Мамажонов кириш сўзи билан очиб, асосий эътиборни тиббиёт тизимига юз бераётган ўзгаришлар, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар, соҳага татбиқ этилаётган янгилар ва аҳоли са-

волаш-профилактика чора-тадбирларини кучайтириш ва оналик-бололикни муҳофаза қилиш ишларидан иборат. Охириг йиллар давомида пойтахтдаги барча оилавий поликлиникаларнинг фаолият структураси тубдан ўзгартирилиб, халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий диагностика аппаратуралари амалиётга жорий этилди. Табиийки, давлатимизнинг доимий эътибори туфайли малакали кадрларнинг билим ва тажрибалари бойитилиб, қайтадан ўқитилди ва махсус дастурлар асосида фаолиятлари йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда шаҳарнинг барча туманларидаги оилавий поликлиникалар замонавий типда ташкирланди, айримлари ҳомиёлар ва бошқа ташкилотларнинг амалий ёрдамлари билан қайтадан бунёд этилди. Бу каби эзгу мақсадларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Она ва бола соғлигини, жамиятда репродуктив саломатлики мустахкамлаш, тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида



соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда оилавий поликлиникаларнинг фаолигини ошириш бугунги ижтимоий ўзгаришларнинг бош омили ҳисобланади.

Тадбир давомида аҳолига самарали ва намунали тиббий хизмат кўрсатган оилавий поликлиникалар раҳбарият томонидан муносиб тақдирланди.

Поликлиникамиз ўттиз минг аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди «Энг намунали оилавий поликлиника» танловида Тошкент шаҳри бўйича биринчи ўринни олган 17-оилавий поликлиника бош шифокори Шахноза Алимова. — Замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган поликлиникамизда физио-

терапия бўлими, аёллар шифокорлари, клиник ва биохимик лабораториялар фаолият юритмоқда. Шунингдек, ультратовуш, рентген, эндоскоп сингари замонавий тиббий асбоб-ускуналардан аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида кенг фойдаланилмоқда.

Йиғилишда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини кенгайтириш, касалликларнинг олдини олиш, маҳалла ва таълим масканлари мутахассислари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига ўхшайди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**  
**Сурат муаллифи**  
**СОБИР МАЖИДОВ.**

## Конференция

НОВЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ  
ЭНДОВАСКУЛЯРНОЙ ХИРУРГИИ

10 ноября текущего года в конференц-зале Республиканского научного специализированного центра хирургии имени В. Вахидова и 11 ноября в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи был проведен Международный Форум, посвященный эндовазкулярным оперативным вмешательствам. В рамках Форума ведущими специалистами-радиологами государства Израиль был проведен мастер-класс с показательными операциями, который в прямом эфире транслировался в конференц-зал центра. Открыл конференцию Министр здравоохранения Республики Узбекистан Адхам Икрамов.

В своей вступительной речи министр подчеркнул тот факт, что Узбекистан стоял у истоков зарождения эндовазкулярной хирургии. Согласно словам министра, Указ Президента УП-2107 "О государственной программе реформирования системы здравоохранения", принятый 11 лет назад, послужил толчком к развитию и совершенствованию всей системы медицинской помощи, результаты которого мы можем наблюдать сегодня на практике.

В процессе ознакомления с людьми и предстоящим событием у нас возникло несколько вопросов, касающихся непосредственно содержания понятия "эндовазкулярная хирургия". Ответ на наши вопросы мы нашли в словах Шимона Маймона — профессора нейрохирургии из Израиля:

— Эндовазкулярная хирургия представляет собой хирургические вмешательства, проводимые на кровеносных сосудах под контролем методов лучевой визуализации с использованием специальных инструментов. Главной особенностью эндовазкулярной хирургии является то, что все вмешательства производятся без разрезов, через пункцию, небольшие проколы на коже (инструментом 1-4 мм в диаметре). Вмешательства выполняют врачи-рентгенохирурги или эндовазкулярные хирурги — специалисты, обладающие квалификацией хирургов и рентгенологов одновременно и

умеющие работать со сложной медицинской аппаратурой, что на мой взгляд является самым главным критерием. В большинстве случаев для выполнения эндовазкулярного вмешательства не требуется наркоз, выполняется только с традиционной хирургией, существенно снижены. Уникальные методы эндовазкулярной хирургии применяются в ряде отраслей медицины: кардиологии, нейрохирургии, сосудистой хирургии, гепатологии и многих других. Нынешний международный форум является моим первым визитом в Узбекистан, я очень рад этому и считаю, что данное мероприятие принесет свои положительные плоды, которые мы увидим на практике.

Развитие данной отрасли медицины, обмен опытом с ведущими израильскими специалистами, а также непосредственное



наблюдение за ходом проведения операций стали основными составляющими актуальности проведенного события. В течение форума ряд ученых презентовал свои информативные доклады, посвященные актуальным вопросам нейрохирургии, нейро-радиологии и рентгенохирургии.

В числе слушателей были не только опытные квалифицированные хирурги, но также и молодые врачи, ординаторы, которые только начинают свой профессиональный путь. На этом событии каждый из присутствующих нашел для себя полезную информацию, почерпнул что-то новое из тех докладов и лекций, которые были представлены и прочтены участниками.

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

## Съезд

## СОГЛОМ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ

Жорий йилнинг 5-6 ноябрь кўнлари Тошкент шаҳрида педиатрия соҳасининг бугунги ҳолати, долзарб муаммолари ва келажак истиқболларига бағишланган VI Съезд бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон педиатрлар Ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Съездда олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, шунингдек, МДХ мамлакатлари, Жанубий Корея ва туркиялик мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Икрамов кириш сўзи билан очиб, давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлган она ва бола саломатлигини мустахкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, «Соғлом она — соғлом бола» мақсади дастурини ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тиббий хизмат сифатининг янада яхшиланишига дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, мазкур йўналишдаги вазифаларни ижро этиш мақсадида 2009-2013 йилларга мўлжалланган махсус дастур эса фаолиятлар кўламини кенгайтириб, тизимдаги ислохотларни янги босқичга кўтармоқда.

Съездни ташкил этишдан асосий мақсад — болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлигини ошириш, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, педиатрия соҳасида янгилаш, профилактика ва реабилитация усуллари татбиқ этишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бирламчи тиббиёт бўлимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, кишлоқ врачлик пунктларида оила шифокори ва патронаж ҳамшираларининг фаоли-

тини такомиллаштириш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларни кўрак сути билан боқиш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторингини олиб бориш, соғлом ва бемор болаларни тўғри овқатлантириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш тиббиёт тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Табиийки, бу жараёнда барча ташкилотлар, маҳалла, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик бирдек масъул ҳисобланади.

Съездда иштирокчилар секцияларга бўлиниб, педиатрия, хирургия ва юқумли касалликлар бўйича маърузалар тингладилар.

— Ўзбекистонда тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори педиатрия соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Ўтказилган мазкур анжуман педиатриянинг долзарб масалаларини ҳамкорликда қўриб чиқиш, янгиларни оммалаштириш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун қўлай имкониятлар яратди. Бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба етарли, деб ўйлайман, — дейди Россия тиббиёт фанлар академияси академиги Н. Володин.

Тадбир доирасида илк марта болалар хирургияси ва травматологияси бўйича «Мастер-класс» тақдироти ўтказилди.

**Камола АДИЛОВА,**  
**М. Турсунхўжаева** номли тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

## Съезд

## СПЕЦИАЛИСТЫ ВОКРУГ АКТУАЛЬНОЙ ПРОБЛЕМЫ

12-13 ноября в Ташкенте состоялся II Съезд гематологов и трансфузиологов Узбекистана, на котором приняли участие специалисты и видные ученые из стран ближнего и дальнего зарубежья, в частности, Германии, России, Украины, Казахстана, Таджикистана и многих других. Мероприятие было организовано Министерством здравоохранения Республики Узбекистан, Ассоциацией гематологов и трансфузиологов Узбекистана, Общественным фондом «Кровь на службе людям», а также Научно-исследовательским институтом гематологии и переливания крови. Своим вступительным словом открыл съезд первый заместитель министра здравоохранения Анвар Алимов.

Кровь является главным источником жизни человека, которая, циркулируя по всему организму, питает клетки и органы. Ценность каждой капли крови в жизни любого из нас невозможно переоценить. Особенно хорошо это известно гематологам – тем людям, чья деятельность направлена на то, чтобы оберегать кровь, сохранить ее здоровой, а в случае заболевания – сделать попытку вновь привести ее в нормальное состояние. Гематологи занимаются диагностикой заболеваний, их лечением, разработкой новых технологий.

Мы задали наши вопросы некоторым из специалистов для более близкого ознакомления с целями столь большого события. В центре обсуждения стояли вопросы диагностики и лечения заболеваний кровяной системы, состояние и перспективы клеточной терапии Узбекистана, внедрение международных стандартов при применении компонентов крови.

**Азиза МАХМУДОВА,**  
заместитель директора  
НИИ гематологии и  
переливания крови:

– Сегодняшний съезд гематологов и трансфузиологов, в соответствии со своим названием, посвящен основным проблемам сферы гематологии. Сегодня мы встречаем здесь большое количество специалистов, приехавших из разных стран ближнего и дальнего зарубежья. Для нас эти два дня предоставляют шанс обсудить наи-

более актуальные и животрепещущие вопросы этой сферы. Наш институт ведет активную работу. Заболевания кровяной системы очень сложны в диагностике и лечении, проблема переливания крови также стоит во главе угла. За последнее время были созданы центры крови в регионах нашей республики. Я считаю, что это одно из главных достижений нашего НИИ за последнее время. Помимо этого, в институте работает Центр гемофилии и депрессии кровяной системы. Наш большой персонал в лице специалистов и научных сотрудников ведет углубленные исследования, направленные на совершенствование диагностических методов лейкозов. Наши кадры – наше все, от них зависит успешность результата работы, в связи с чем мы стараемся отправлять работников в другие страны для получения новой информации и навыков. За недавний период свыше 22 специалистов прошли обучение в клиниках России, Германии. Новосибирск, Москва, Санкт-Петербург – это неполный перечень городов, с которыми мы регулярно обмениваемся новой актуальной информацией из нашей практики. Данный съезд является важным событием не только для гематологов, но и всех специалистов в целом. Как известно, отрасли медицины активно взаимодействуют между собой. Трансфузиология, обеспечение кровью всех, кто в ней нуждается, – очень сложный вопрос. Чистота и

здоровье крови, наполненность всеми необходимыми компонентами лежат не только в руках гематологов, но также зависят от других заболеваний, которыми когда-либо болел человек. В рамках международных проектов мы проводили исследования по диагностике и лечению гемофилии. Для этого мы обследовали больных гемофилией по всей республике, и полученные результаты исследования дали нам много новой информации для дальнейших работ. В рамках другой программы мы ведем борьбу с хроническим миелолейкозом. Благодаря препарату Гливек более 400 больных избавились от заболевания и ведут здоровую жизнь. Помимо этого, в настоящее время действуют 7 государственных грантов и 3 инновационных проекта.

**Саиджол Бахромов,**  
главный гематолог МЗ РУз,  
заведующий кафедрой  
гематологии и  
трансфузиологии ТашИУВ:

– С момента обретения независимости в области науки, как теории, так и практики, произошли коренные изменения. Наряду с другими сферами медицины, гематология и трансфузиология преобразовались больше всего. Серьезные работы ведутся в области переливания крови, ее безопасности. Проблема донорской крови всегда стояла во главе угла, люди, нуждающиеся в крови в срочном порядке, были, есть и будут. Раньше при лечении заболеваний крови, в частности, лейкозов, мы ограничивались маленьким количеством препаратов, спектр наших действий был очень ограничен. Сейчас уже созданы цитостатические препараты, эффективность которых подтверждена мировым медицинским сообществом, их использование уже началось в Узбекистане, так что могу с уверенностью сказать, что пациенты, страдающие заболеваниями крови, имеют еще больше шансов на успех.



**Валерий САВЧЕНКО,**  
директор Института  
трансплантации костного  
мозга и молекулярной  
гематологии РАМН:

– В первую очередь надо сказать об истоках развития гематологии, о том сотрудничестве, которое происходит между нашими странами. Гематология в значительной степени зарождалась именно в Узбекистане. Нас связывает длительная история, и, несмотря на все исторические коллизии, охлаждения и потепления политического климата, мы никогда не прекращали сотрудничество. Российская Федерация и Республика Узбекистан – две страны, живущие в едином интеллектуальном, технологическом и историческом пространствах. Это, вне всякого сомнения, способствует улучшению связей, динамичному характеру нашего сотрудничества. Мы осуществляем свою работу, опираясь на единые совершенные стандарты, и цель, которая стоит перед нами, – достижение того, чтобы каждый человек, вне зависимости от страны, в которой он живет, социального происхождения, мог получать одинаково квалифици-

рованную помощь, отвечающую всем международным стандартам. Если переходить непосредственно к разговору о съезде, то я бы сказал, что он является ярким событием не только гематологической сферы, но и всей медицины в целом. Дело в том, что гематология – это область медицины, которая помогает людям со смертельными, но излечимыми заболеваниями, спасать. Основная цель гематологов – дать шанс на излечение тем, у кого он есть. Как одна из самых передовых областей общей терапии гематология работает на настоящее, решая возникающие вопросы в режиме «здесь и сейчас». Но в не меньшей степени гематология и съезды, подобные сегодняшнему, работают на будущее, так как только таким образом можно готовить кадры, совершенствовать методы лечения, создавать новые технологии. В завершении добавлю, что гематология – это не только метод спасения заболевших пациентов, но также создание фундамента для будущего всей медицины.

**В эти дни в столице проходит II Съезд гематологов и трансфузиологов Узбекистана. Мы желаем участникам и организаторам успехов в его работе.**

## Выставка

## ПРЕЗЕНТАЦИЯ ДОСТИЖЕНИЙ ПРОИЗВОДСТВА

С 11 по 13 ноября в Ташкенте проходит 5-я юбилейная международная выставка «PharmExpo Uzbekistan», представляющая собой единственное событие, специализирующееся на презентации и ознакомлении населения с фармацевтическими препаратами. Выставка организована национальной выставочной компанией «ZagExpo» при поддержке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, хокимията города Ташкента, АК «Дори-Дармон», ГАК «УзФармПром», а также Ассоциацией представителей иностранных фармацевтических компаний.



Фармацевтическая отрасль медицины является ежедневно развивающейся сферой, регулярно создающей все более современные и эффективные препараты, призванные исцелять население от всевозможных недугов. Свидетельством этому стали стенды и представленная продукция фирм-участниц выставки, количество кото-

рых составило около 30. Большое количество посетителей, в свою очередь, утвердило нас во мнении, что фармацевтика – это та сфера, которая пользуется большим интересом со стороны специалистов-медиков.

Узбекистан не стал исключением в вопросе развития собственной фармацевтической линии. Именно в этой связи неудивительным является наш повышенный интерес к компании «Pharmed sanoat», являющейся одним из ярких представителей фармацевтики нашей страны. Мы побеседовали со специалистами данной компании:

– Наше предприятие специализируется на производстве лекарственных средств, производится фасовка – первичная упаковка таблеток и капсул в блистер- и стрип-упаковки, а также порошков в пленочные пакеты, маркировка и их упаковка в потребительскую упаковку (картонные коробки,

пеналы), карантинное хранение до получения сертификата соответствия. Мы ведем свою деятельность очень активно и наша стратегия такова: непрерывная система обеспечения качества продукции, которая позволяет на протяжении всех стадий производства гарантировать качество выпускаемого лекарственного препарата. Мы боремся за качество выпускаемой продукции, несем ответственность за каждого человека, употребляющего наши препараты, мы руководствуемся пониманием важности развития здорового общества. Что касается выставки, то она очень продуманно поделена на тематические разделы: лекарственные средства, биологически активные добавки, дерматологические медикаменты, фармацевтика для матери и ребенка, средства личной гигиены, медикаменты общего назначения, контрольно-измерительная и регулирующая аппаратура, натуральные лекарства и растительные экстракты. Мы безмерно рады принять в ней



участие. Она в этом году несет отпечаток праздника, так как является юбилейной.

**Столь боевой и положительный настрой не оставляет сомнений в дальнейшем продуктивном развитии фармацевтической индустрии. Выставка международного масштаба, на которой, помимо отечественных компаний, выставили свои экспозиции и производители зарубежных стран, стала крупным событием для всех участников и посетителей.**

**Полосу подготовила Юлдуз НАЛИБАЕВА. Автор фото Сабир МАДЖИДОВ.**





Болаликдан шифокор бўлиш орзу қилган Шавкат Музрабеков ҳеч иккиланмасдан Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг стоматология факультетида ўқишга кирди. 1968 йилда мажбурий билим даргоҳини тамомлаб, устозларининг тавсияси билан илк фаолиятини «Фармакология» кафедрасида давом эттирди. У ўзининг тиб-

## КАСБГА БЎЛГАН ЭЪТИҚОД САМАРАСИ

Инсон ҳаёти мобайнида кимгадир яхшилик қилиш, кимларнингдир қалбига йўл топиш, эзгулик амаллари билан эса абдадийлик сари мангу қолишга интилиб яшайди. Кўп йиллик меҳнатлари билан эл назарига тушиб келаётган Тошкент тиббиёт академияси «Клиник фармакология» кафедраси доценти Шавкат Музрабеков фаолияти ҳақида ҳам ана шундай самимий, илиқ фикрларни айтиб ўтиш мумкин. Шу кунларда фахрий устоз ва моҳир ташкилотчи, талабаларнинг сеvimли мураббийи, тиббиётимиз даргаси ўзининг 70 йиллик таваллуд ёшени кенг нишонламоқда.

биётга бўлган қизиқиши, интилишлари билан кафедранинг етук олимлари назарига туша бошлайди. Устозлари И. Комилов, Н. Компанцев, К. Нажмуддиновнинг бевосита эътибори ва раҳбарлиги билан илмий изланишлар олиб боради. 1973 йилда эса у «Влияние ТМТД на действие некоторых лекарственных веществ, метаболизирующихся в печени» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. У

ўз илмий фаолияти давомида эллиқдан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув-услубий қўлланмалар яратди.

Меҳрибон устоз Ш. Музрабеков нафақат кафедра таълим-тарбия ишларида, балки ўзининг моҳир ташкилотчилик қобилияти билан ҳам жамоатчилик ишларида фаол қатнашади. Шу боис, у 1974-1997 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология ва даволаш

факультетларида декан муовини лавозимида фаолият юритади. Институт ва жамоат ишлари, оммавий тадбирларда бадий раҳбар сифатида фаол қатнашади. У ўзининг ташаббускорлик ва талабчанлик қобилияти билан факультетларaro ўтказилган спартакиадада раҳбар, институт ички назорат ҳайъати аъзоси ва талабалар илмий анжуманининг доимий ташкилотчиси бўлиб хизмат қилади.

Жонқуяр устоз меҳнат фаолияти давомида талабаларга тиббиётнинг стоматология ва фармакология йўналишлари бўйича маърузалар ўқиб, уларга касалликнинг замонавий даволаш йўллари, самарадорлиги борасида ўз билим-тажрибаларини ўргатди. Ёш олимларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Кўплаб шогирдлар етиштириб, уларга бевосита амалий ёрдам бериб келди ва келмоқда.

Шавкат Музрабеков юксак маънавиятли, ақлий салоҳияти кенг ва инсонпарварлик фазилатлари билан академиянинг профессор-ўқитувчилари орасида алоҳида ҳурматга сазовор. Унинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари раҳбарият ҳамда давлатимиз томонидан эътироф этилиб, у «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони билан муносиб тақдирланди. Устознинг илму зиё нури-ни улашиш йўлидаги самарали ишларига муваффақият, ўзига эса соғлиқ-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Искандар МАВЛЯНОВ,  
профессор.



Ғайбулла АЛИЕВ:

## БУЮК АЛПОМА СИЙМОСИ ҲАЁТИМИЗ ЗАРВАРАҚЛАРИДА

Инсон умри давомида ўзидан яхшироғ, эзгу амаллар қолдиришга ҳаракат қилади. Қилган меҳнатларидан одамлар, келажак авлод баҳраманд бўлишини юракдан ҳис этади. Бугунги саҳифамиз меҳмони ҳам ана шундай фазилатлари билан инсонлар қалбига йўл топган, ноёб истеъдод эгаси Ғайбулла Алиевдир.

Германиядаги совет ҳарбийлари гуруҳида хизмат қилиб, офтальмология йўналишида ўз малакасини оширади ва маълум вақт Кох клиникасида фаолият юритади. Тинимсиз изланишлари ва тасвирий санъатга бўлган иштиёқи сабаб 1969 йилда «Кўз касалликлари хирургияси» бўйича атлас тузиб, институт талабаларига қўлланма сифатида тақдим этади. 1972 йилдан бошлаб, 1978 йилгача у Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳридаги ҳарбий госпиталда меҳнат фаолиятини давом

боғдорчилик, гулчиликка бўлган қизиқиши туфайли «АРДУС» фирмасининг боғида боғдорчи сифатида ишлаб келмоқда.

### Ота орзусидаги шифокор

Болаликда буюк расом бўлиш орзу қилган Ғайбулла Алиев отасининг маслаҳати билан шифокорлиқни танлайди. Бу ҳақда қаҳрамонимиз шундай дейди:

«Отам бир кун оғир бегоб бўлиб қолди. Кўплаб шифохоналарга мурожаат қилдик. Аммо бирор натижаги бўлмагач, Германиядан келган шифокор қабулига бордик. Отам шу ерда дардларига даво топдилар. Ушанда Германиядан келган тажрибали врач отамга: «Агар фарзандларинг бўлса, уларни шифокор қил. Бу касб эгаларининг меҳнати оғир, лекин насибаси ҳар жойда бутун, доим халқнинг дуоси ва эътиборидандир», деган экан. Шу боис, саккиз фарзанднинг бештаси эл хизматидаги тиббиёт ходими бўлиб меҳнат қилишмоқда». Дехқон оиласида таваллуд топган Ғ. Алиев отасидан боғдорчиликнинг сиру синоатларини, гулчиликнинг эса назик усулларини, тасвирий санъат асарларини моҳирона ўрганган. Унинг бу қизиқишлари кейинчалик буюк аллома Ибн Сино сиймосининг қайта тикланишига замин яратди.

### Буюк аллома сиймосининг абадияти

«1951 йили буюк олим Абу Али ибн Синонинг қабри очилиб, унинг ҳожи дейи Эрронинг Жамалдон шаҳридаги мавзолейга қўчириб ўтказилди. Шу вақтда фотомуҳбирлар алломанинг бош сунғини турли кўринишда суратга олишди. Мазкур далилларни жамлаб, тарихий изланишлар олиб борган антрополог олим С. Герасимов илк маротаба Ибн Сино сиймоси туширилган ҳақиқий портретнинг асл нусхасини омма эътиборига



Ғ. А. Алиев «Ибн Сино сиймоси» акс эттирилган портретни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида тўхфа этмоқда.

ҳавола этади. Бу оламшумул янгилик тез орада матбуотда ҳам эълон қилинади. Уша кезлар институтда тахсил олар эдим. Дарров суратни газетда кўриб, уни каттароқ кўринишда қорозга тайёрладим ва «Анатомия» кафедрасига тақдим этганман», дейди Ғ. Алиев ўтган воқеаларни хотирлаб. Шундан кейин у бу суратни йиллар давомида сақлаб, унга расомлик дунёқараши ила сайқал беради. Турли кўринишда яратишга ҳаракат қилади. Бир неча йиллик меҳнатлар боис, ушбу сурат рангли тарзда яратилиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Бадий эксперт комиссияси»га юборилди. «Комиссия менинг бу ишмни кўриб чиққач, ушбу сурат ҳақиқатан ҳам аслига ўхшаш, деган мазмунда ўз хулосасини тасдиқлаб берди», дейди Ғайбулла Алиев кўлидаги эксперт хулосасини кўрсатиб.


Тиббиёт илмининг буюк сўлтонига кўрсатилган юксак эҳтиром ва келажак авлодга қолдирилган ушбу мерос Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи экспонатлари орасидан муносиб ўрин эгаллади.

### Мўъжиза яратган қўллар

Ўзгалликни севувчи Ғайбулла Алиевнинг «АРДУС» фирмасига қарашли шинамгина боғига ташриф буюрар эканмиз, у ердаги табиатан тоза муҳит, матфункор борлиқнинг хушбўй таровати қалбларимизда ўзгача кайфият

уйғотиб юборди. «Богбончилик касби бизга ота мерос. Ҳовлимизда турли кўчат новдаларидан тортиб, гул навларининг барча хилларини учратиш мумкин. Чунки, кўчатларни ўз вақтида пайвандлаш, уларнинг ҳар бирига меҳр билан эътибор қаратиш сиздан алоҳида синчков кузатувни талаб этади. Қачонки, мен шу боғларда юрсам, ўзимни гўё яшаргандек ҳис этаман», дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. Албатта, табиати тоза сақлаш ва атроф-муҳит гўзаллиги учун гул кўчатларини ўтказиш. Ғ. Алиевнинг доимий ишига айланган. У киши иштирок қилаётган ҳовлига борсангиз, албатта, кеттингиз келмай, табиатнинг тоза ҳавосидан ором olasiz. У ҳар йили ўтказиладиган республика кўрик-танловларида ўз ижод намуналари, тасвирий санъат асарлари билан иштирок этади. Шу боис, у «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг 2-даражали дипломи билан тақдирланган. Бундай эътироф ва муқофотлар рўйхатини кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, ўз қўллари билан мўъжиза яратган тиниб-тинчимас, неварра-эварларнинг сеvimли бобонониси Ғайбулла Алиевич Алиев ҳали кўп йиллар мобайнида ўзининг юксак истеъдод билан эл хурматида сазовор бўлаверади.

Намоз ТОЛИПОВ.  
Муаллиф олган  
суратлар.



Ғ. А. Алиевнинг меҳнат фаолияти ва ижод намуналари оид муаллифлик ишлари.



Боровский тиббиёт коллежи)га қабул қилинади. 1956 йили билим юртини тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетида тахсил олади. 1962 йилда ҳарбий шифокор сифатида Болтиқбўйи ҳарбий округига сафарбар этилгач, Рига шаҳридаги ҳарбий госпиталда кўз шифокори бўлиб илк фаолиятини бошлайди. 1964-1966 йиллар ораллигида эса Калининград вилоятининг Черняховск шаҳрида ракетачи бригада лазаретининг бошлиғи лавозимида меҳнат қилади. Малакали кадрга бўлган талаб ва эҳтиёж органилиги сабабли Ғ. Алиев 1966-1972 йиллар давомида

этиради. Ундан ташқари, у бир пайтнинг ўзида қон қўйиш станциясида ҳам самарали хизмат қилади. Донорлик тарғиботи бўйича жонбозлик кўрсатиб, ташаббусдан асло чекинмайди. 1979-1986 йиллар ораллигида эса Афғон урушида қатнашиб, мустанқиллик йилларида турли шифо масканларида окулист, хирург, онколог сифатида ишлаб келади. 1991-2005 йилгача «Медиз» акционерлик жамоаси шефда оператор, 2005-2007 йиллар мобайнида эса Республика таъсирли санъат коллежида, шу билан бир вақтда К. Бекзод номидаги Республика миллий расомчилик ва дизайн институтида фаолият юритади. Айни кунларда эса

## Постановление и его исполнение

РАДИ ЗДОРОВЬЯ  
БУДУЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

